

Якинда шахар думаси[1] очилур. Шахар думаси, шахаримизнинг покизалик ва ободлиги, мактабларимизнинг тараккий ва интизоми, болаларимизнинг тарбияси ва халкимизнинг тинчлиги учун керак бўлган ишларни ўз кўлига олур. Шахримиздан хазинага киратурган окчаларни шу йўлларда сарф килмокчи бўлур.

Бу олдимиздаги шахар думаси эски ҳукумат замонидаги шахар думаларига ўхшамас. Йигирмадан ўтган бутун шахар одамларининг ихтиёрлари билан сайланурлар. Бу шахар думасинда жухуддан, русдан, мусулмондан вакил килиб ўтурур[2]. Ва шахар ишлари учун гапурушурлар. Шахарнинг кайси китъасинда касалхоналар курмок керак, шахарнинг кайси китъасиндаги йўлларни тузатмок керак, шахарнинг кайси китъасинда канча мактаб солмок керак деб кенгашурлар ва шул тўғрилардаги ишларни «вакиллар кўбчилиги» нинг қарори билан килмокчи бўлурлар. Вакиллар кўбчилиги ҳаммадан бурунрок эски китъанинг ерларин тузатурга қарор берса, чора йўк, шу килинур. Вакиллар кўбчилиги кўброк касалхоналарни янги китъада солмокчи бўлса, иложи йўк, шу бўлур.

Мана шуларни онглаган ҳар жамоат, ҳар миллат шахар думасига ўзидан кўброк вакил ўтказмок учун тиришадир, думанинг кўбчилигининг ўзига олмокчи бўладир. Ўтган ҳафтадаги «тахрири нуфус»дан[3] онглашилдики: шахримизда халкнинг тўртдан учи мусулмон ва тўртдан бири рус, армани ва жухуд эканлар. Шунга қараганда унлар хазинадан чиким бўлатурган окчанинг уч шунчаси биз учун чикгучидур. Унларга мактаб очилса бизга учта; унларга бир касалхона очилса бизга учтаси очгули; унларга бир пут бугдой керак бўлса бизга уч пут керакдир.

Кискаси шулким: бизнинг ҳакимиз уларнинг ҳақтариндан уч йўла беркдир. Мана шуларни тилаб олмок учун шахар думасининг кўбчилигини олмок керак, шахар думасининг кўбчилигини олмок учун мусулмонларнинг сайлов куни лозимдур. Йўк, сайлов куни ҳар ким ўз уйинда ўтирса; бошқалар кўбчилик бўлиб келсалар ва думанинг кўбчилигини ўз тарафларига ўтқарсалар; у вақт биз ҳеч бир ҳакимизга эришолмасмиз, яна эски каби ҳуқуқсиз бўлиб колурмиз; яна эскиси каби ўз шахримизда ўз окчамизнинг роҳатини ўзимиз кўролмасмиз.

Шунинг учун бағириброк айтаманким, ўз халқларини яна бошқаларнинг оёқлари остинда кўймокчи бўлмаган мусулмонлар! Сайлов куни гофил колманглар, кўбчилик бўлиб келурга тиришинглар.

(«Хуррият», 1917 йил, 25 август, 33-сон)

Кайта нашри: «Ёшлик», 1991, 10-сон, 44—45-бетлар (Н. Авазов нашрга тайёрлаган).
Макола Самарканд шаҳри думасига сайловлар олдидан ёзилган.

[1] Дума — Русиядаги сайлов тизимида кўра мустамлака ўлкалардаги халқ вакиллиги

органлари ҳам дума деб юритилган.

[2] вакил килиб ўтурур — Самарканд шаҳри кўп миллатли бўлгани учун шаҳар думасига, асосан, турк, рус ва яхудий миллатига мансуб кишиларгина сайловларда катнашиш ҳукукини олганлар.

[3] таҳрири нуфус — Самаркандда 1917 йил 18—20 августларда сайлов олдидан аҳолини рўйхатга олиш ўтказилган, ўша назарда тутилади.